



## ТЎСИҚСИЗ МАЪНОЛИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ИФОДАЛАНИШИ

Эсанова Мафтуна

Самарқанд Давлат Медицина Институтининг

Тиллар кафедраси стажёр ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6337449>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 17-fevral 2022

Ma'qullandi: 22-fevral 2022

Chop etildi: 27-fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

маъно, эргаш гап,  
қўшма гаплар, боғловчи,  
мазмун, бош гап, бўлак,  
алоқа, содда гап,  
мураккаб гап.

### ANNOTATSIYA

Мақолада тўсиқсиз маъноли эргаш гапли қўшма гапларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги ифодаланиши, уларнинг ўзаро умумий ва фарқли жиҳатлари, таржима жараёнида бу турдаги гапларнинг ўзаро мутаносибликлари ва номувофиқликлари ҳақида фикр юритилади.

Маълумки, эргашган қўшма гапларда икки ёки ундан ортиқ содда гаплар ўзаро ҳоким-тобелик муносабати орқали боғланади. Эргаш гап бош гапга тобе боғланиб, бош гапдаги бирор бўлакни изоҳлаб келади. Бош ва эргаш гап грамматик ҳамда мазмунан жипс боғланиб, яхлит бирликни ташкил этади ва умумий бир фикрни ифодалайди.

Қўшма гапларнинг турлича шакллари мавжуд ва шу ўринда тўсиқсиз маъноли эргаш гапли қўшма гапларни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида кўриб ўтаемиз.

Биламизки, тўсиқсиз маъноли эргаш гапли қўшма гапларда бош гап ҳамда эргаш гапдаги ифода этилаётган вазият мазмунан ўзаро қарама-қарши, бир-бирига зид бўлса

ҳам, бош гапдаги мазмуннинг амалга ошишини билдиради. Ўзбек тилида эргаш гап бош гапга – *са ҳам*, – *са да*, – *ганда ҳам*, – *қарамай* каби боғловчилар воситасида боғланса, инглиз тилида тўсиқсиз маъноли эргаш гапли қўшма гаплар „Concessive clauses“ деб номланади ва ўзбек тилидаги боғловчиларнинг ўриндоши сифатида *although*, *though*, *in spite of* ҳамда *despite* кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Буни биз қуйидаги, Эрнест Хемингуейнинг “Чол ва денгиз” асаридан келтирилган бир гап мисолида кўриб чиқамиз:

...“How did you sleep old man?” the boy asked.  
*He was waking up now **although** it was still*



*hard for him to leave his sleep. (The old man and the sea. Ernest Hemingway)*

...“Қандай қилиб ухлаб қолдингиз отахон?” бола сўради. *Гарчи, уйқусини тарк этиш мушкул бўлаётган бўлса ҳам, у уйғона бошлади.* (Чол ва денгиз. Эрнест Хемингвей)

Юқорида келтириб ўтилган тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапда сўзловчи гапнинг хар иккала қисми, яъни биринчи қисм “*уйқусини тарк этиш мушкул бўлаяпти*” ва иккинчи “*уйғона бошлаяпти*” ҳақиқатдан ҳам содир бўлишини келтириб ўтади ва ўз навбатида гапнинг иккала қисми бир-бирига тамоман қарама-қарши, бир-бирини инкор этишини кўришимиз мумкин. Бунда янада аниқроқ тушунтирадиган бўлса агар гапнинг биринчи қисмидаги иш-харакат амалга ошадиган бўлса, албатта, ўз навбатида, турган гапки, иккинчи қисми амалга ошмайди (агарда *уйқусини тарк этиш мушкул бўлса, уйқунини тарк эта олмас*, гапнинг иккинчи қисмидаги “*уйғона бошлаш*” харакати амалга ошмайди, ухлаётган одам бир вақтнинг ўзида уйғоқ бўлиши мумкин эмас).

Бундан шу нарса аён бўладики, тўсиқсиз маъноли эргаш гапли қўшма гап билан ифодаланаётган, тасвирланаётган вазият умумий тенденциядаги истиснони келтириб чиқаради ва айнан ана шунинг учун ҳам эътиборга моликдир.

Бош гапдаги вазиятнинг амалга ошишига эргаш гапдаги вазият тўсиқ бўла

олмаслигини билдирувчи тўсиқсиз маъноли эргаш гапли қўшма гаплар тўсиқсизликни ифодалаб берувчи асосий омил (маъно) ҳисобланади. Бундай турдаги эргаш гапли қўшма гаплар бир қанча воситалар кўмагида тўсиқсизликни келтириб чиқаришга хизмат қилади. Тўсиқсиз маъноли эргаш гаплар билан бош гапларни бевосита боғлаш вазифасини амалга оширувчи бундай воситалар қўшма гапнинг таркибий қисмини ташкил қилган содда гаплар ўртасида тўсиқсизлик муносабатларини юзага чиқишини таъминлайди.

Шу ўринда яна бир мисолни келтириб ўтсак.


...*“He was comfortable but suffering, although he did not admit the suffering at all”.* (The old man and the sea. Ernest Hemingway)

...“азоб чекаётганини тан олмаслигига қарамасдан, у азобланаётган эди” (Чол ва денгиз. Эрнест Хемингвей) ёки яна бошқа мисолни олиб кўрайлик:

...*“Then he could not see well, although now he saw as well as ever”* (The old man and the sea. Ernest Hemingway)

...“Гарчи у ҳозир хар қачонгидан ҳам яхши кўраётган бўлса ҳам, ўшанда унинг кўзи яхши кўра олмаган эди” (Чол ва денгиз. Эрнест Хемингвей)

Юқорида келтириб ўтилган гапларда тўсиқсизлик, қолаверса, миқдор, шарт, натижа сингари мазмуний муносабатлар кўзга ташланади. Бундай алоқадорликни қўйидаги чизмада келтириб ўтиш мумкин:



Қолаверса, боғланган қўшма гапларда боғловчилардан ташқари юкламалар ҳам алоҳида ўринга эга. Юкламалар боғловчилар билан бирикиб келса, берилаётган маънони янада кучайтириб беришга хизмат қилади. Яна бир мисолни кўриб чиқамиз:

*"But by midnight he fought and this time he knew the fight was useless". (The old man and the sea. Ernest Hemingway)*

*"Бироқ ярим кечада у акулалар билан яна олишди. У акулалар билан яна олишарди-ю, энди бундан ҳеч қандай умид йўқлигини биларди."* (Чол ва денгиз. Эрнест Хемингуей)

Берилган гапнинг иккинчи қисми (энди бундан ҳеч қандай умид йўқлигини билиши)да вазият маълум мақсаднинг (Унинг акулалар билан яна олишиши) амалга ошиши учун қарши бўлган объектив зидликни ифодалайди. Бу фикр ифодаланган гап тўсиқсиз маъноли эргаш гапли қўшма гапга ўгирилганда юзага чиқади: *У акулалар билан яна олишса ҳам, энди бундан ҳеч қандай умид йўқлигини биларди.* Демак бундан шундай хулоса келиб чиқадики, келтирилган гапда зидлик ва тўсиқсизлик муносабатларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги кўриш мумкин.

Суперсинтактик бирликларда ҳам тўсиқсизлик муносабатига дуч келишимиз мумкин:

*"When the wind was in the east a smell came across the harbour from the shark factory; but today there was only the faint edge of the odour because the wind had backed into the north and then dropped off and it was pleasant and sunny on the Terrace."* (The old man and the sea. Ernest Hemingway)

*"Шамол шарқдан эсди дегунча, ўзи билан акула корхонасининг қўланса ҳидини олиб келарди, фақат бугун ҳид деярли сезилмас, чунки шамол шимолдан эса бошлаб, кўп ўтмай бутунлай тинган эди. Шунинг учун ҳам Террас серқуёш ва сўлим эди."* (Чол ва денгиз. Эрнест Хемингуей)

Бу суперсинтактик бирликдаги гаплар трансформация қилинадиган бўлса, тўсиқсизлик ҳолати яққол намоён бўлади: *"Шамол шарқдан эсди дегунча, ўзи билан акула корхонасининг қўланса ҳидини олиб келса ҳам (-са-да), бугун ҳид деярли сезилмас, чунки шамол шимолдан эса бошлаб, кўп ўтмай бутунлай тинган эди. Шунинг учун ҳам Террас серқуёш ва сўлим эди."*

Юқоридаги келтирилган барча фикрлар, мисолларни умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, шунни



таъкидлаш лозимки тўсиқсиз маъноли эргаш гапли қўшма гапларда ўзига хослик мавжуд бўлиб, бунда гапни ташкил этувчи хар иккала қисми бир-бирига тамоман қарама-қарши, бир-бирини инкор этишини кўришимиз мумкин. Бундан шу келиб чиқадики, тўсиқсиз маъноли эргаш гапли

қўшма гап билан ифодаланаётган, тасвирланаётган вазият умумий тушунчадаги қарама-фаршилиқни юзага чиқаради ва айнан шу сабабли ҳам кенгроқ ўрганиш, тадқиқ қилишга молик масалалардан ҳисобланади.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. – Т.: Фан, 2003.
2. Н. Турниёзов. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Монография. - Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2008, 84 бет.
3. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2001, 172 бет.
4. Хемингуэй Э. Чол ва денгиз. – Т.: «Ёш гвардия» нашриёти, 1986, 45 бет
5. Hemingway E. The old man and the sea. 52 page.
6. Жаббор О. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Термиз, 2011. – 76 б.
7. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2006.
8. Турниёзов Н. Назарий грамматикадан очерклар. – Самарқанд, 1998.
9. Турниёзов Н. Хорижий мамлакатлар лингвистика назариялари. Ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд давлат чет тилларинститутини нашри, 2007, 58 б.

### Интернет сайтлари:

[www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz) - Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг веб сайти.

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz). – ТДПУ сайти

[www.newhorizons.org](http://www.newhorizons.org). - Таълимнинг янги уфқлари.

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)